O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3.11.299

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 декабр шанба
Сотувда эркин нархда
№ 254 (2292)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм*

*Муҳтарам Президентимиз!*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги Қарорининг Муборак Рамазони шариф арафасида эълон қилиниши диёримиз мўмин-мусулмонларини ғоятда мамнун этди. Айниқса, мазкур қарорда зикр этилган енгиллик ва имтиёзлар эл кўнглидаги айни муддао бўлди.*

*Қарордан илҳомланиб, мамлакатимизни тараққиёт ва озодлик йўлидан бошлаб бораётган, диёримизнинг барча фуқаролари учун тенг шароит ва имкониятлар яратиб бераётган, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни тиклаётган Сиз муҳтарам инсонга барча мусулмонлар номидан миннатдорлик изҳор қиламиз.*

*Юртимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ва ўзига хос ўринга эга бўлди.*

*1600 дан зиёд масжидимизда мусулмонлар эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида 20 мингдан ортиқ юртдошимиз муборак Ҳаж зиёратини амалга оширишга муваффақ бўлди. Сизнинг ташаббусингиз ва бевосита иштирокингиз билан Имом ал-Бухорий ҳазратлари ва бошқа уламоларимизнинг шуҳратини оламга янада кенгроқ таратаётган тадбирлар амалга оширилди. Юртимиз мусулмонлари ҳукуматимиз олиб бораётган изчил сиёсатни дилдан қўллаб-қувватлаб, эл-юрт равнақи, халқимиз бахт-саодати, миллий ва маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш йўлида қилаётган барча хайрли ишларингиздан беғоят мамнун бўлмоқда.*

*Ўзбекистондаги барча мусулмонлар 2000 йил 9 январ куни Сиз, халқимизнинг осойишта ва фаровон турмушини олий мақсад деб билган азиз Президентимиз учун овоз берадилар, деб ишонтирамиз.*

*Эзгу ишларингизда Аллоҳнинг ўзи Сизга мададкор бўлсин.*

**Самимий эҳтиром ила,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши.**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа — 2000 йилнинг 9 январида бўлиб ўтадиган Президентлик сайловига икки ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Истиқлол туфайли ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлган халқимиз бу тадбир билан иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг давом эттирилиши ҳамда чуқурлаштирилиши, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланиши, фаровонликнинг ошиши ва она-Ватаннинг гуллаб-яшнаши борасидаги умидларини боғламоқда.

Урганч шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашуви бунинг яққол далили бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси Ибодулла Бойжонов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Боғот тумани ҳокими Шакаржон Хўжаниёзова йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У Ислом Каримовнинг ўзбек давлатчилиги ва халқимизнинг миллий ўзлигини англаши йўлидаги хайрли ишларнинг ташаббускори ва асосий ташкилотчиси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Агар мендан ҳақиқий жасорат намунаси нима, деб сўрашганда, — деди Ислом Каримов, — хоразмлик оддий деҳқоннинг мураккаб иқлим шароитидаги ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлур эдим.

Муқаддас Хоразм заминида бундан уч минг йил муқаддам миллий давлатчилик асослари яратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён, бу ерда кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Бундан икки йил муқаддам Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланганлиги, орадан минг йил ўтиб, Хивада дунёдаги энг биринчи академия бўлган Маъмун академиясининг қайта ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Яқинда вилоятда халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик тўйи нишонланди.

Вилоят иқтисодиётида ҳам янгиланиш жараёнлари давом этмоқда. Хоразмда мамлакат саноатининг янги соҳаларида етакчи деб ҳисобланадиган йирик корхоналар барпо этилди. 1200 та собиқ давлат корхоналарида мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун йирик инвестициялар, хорижий сармоялар жалб этилмоқда.

Ислом Каримов қайд этганидек, ҳукуматимизнинг шу йил май ойида қабул қилган қарорига кўра, вилоятда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга доир дастур амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири — яқин уч йил ичида 100 мингдан ортиқ янги иш ўринларини барпо этишдир.

Учрашувда сўзга чиққан ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талабаси Назокат Маткаримова, Хоразм Маъмун академиясининг раиси Азимбой Саъдуллаев, республика "Маънавият ва маърифат" марказининг вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева, Хонқа тумани Олажа қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Шоҳназар Йўлдошев Ислом Каримовнинг вилоят аҳлининг чексиз ҳурмати ва ишончига сазовор бўлганлигини қайд этиб, уни мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашининг кафили эканлигини таъкидлашди.

**Тимур ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.**

## АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ ФАРҒОНАЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Расулжон Тожиев бошқарди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби Анваржон Эгамбердиев сайловчиларни Абдулҳафиз Жалоловнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. Нотиқ А.Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби сифатида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз илм-фани салоҳиятини ошириш, унинг амалий натижаларини кундалик ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга татбиқ этишга қаратилган кўплаб рисола ва илмий мақолалар муаллифи эканини таъкидлади. Кейинги вақтда у раҳбарлик қилаётган партия сафи ўсиб, сиёсий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Учрашувда сўз олган Абдулҳафиз Жалолов сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништирди.

Фарғона давлат университети талабаси Зуҳро Акбарова, олтиариқлик уруш ва меҳнат фахрийси Маматқул Мустафоев, "Ўзбекистон овози" газетасининг Фарғона вилоятидаги мухбири Алишер Ибодинов, Марғилон шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Эъзозхон Қосимова ва бошқалар барча сайловчиларни 2000 йил 9 январ куни бўладиган Президент сайловида мустақил мамлакатимизнинг буюк келажаги учун амалий ва ҳалол меҳнат қиладиган муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

**Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.**





## ҒЎЗАЛЛАШАЁТГАН ТОШКЕНТ

*Тошкент шаҳрида атиги икки-уч йил давомида бўлмаган киши бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши табиий. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларида пойтахтимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди: кўплаб янги турар жой бинолари, меҳмонхоналар, боғ ва хиёбонлар, музейлар, савдо мажмуалари, бозорлар, гузарлар, йўллар ва кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунларда ҳам шаҳримиз катта қурилиш майдонига айланган. Жумладан, Матбуотчилар ва «Сайилгоҳ» кўчалари оралиғида йирик савдо мажмуи, автомобиллар сақланадиган 2 қаватли ерости саройи, йўлкалар ва фаввоаралар бунёд этилаяпти. 12-трестга қарашли 51-қурилиш бошқармаси бинокорлари ушбу иншоотларни Наврўз байрамига қадар ишга тушириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.*



**СУРАТЛАРДА: бўлажак савдо мажмуи; Миразиз Ҳидоятов 16 йилдан бери қурувчилик касбини ардоқлаб келаяпти; участка бошлиғи Жасур Зокиров (ўнгдан), қурувчилар Шариф Норов ва Икром Мўминов қурилиш лойиҳаси билан танишмоқдалар.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.**

## НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасида келгуси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Мажлисда пойтахтда ўтадиган асосий байрам томошасининг сценарийси ва асосий саҳнасини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, режиссёр Р.Ҳамидов, "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корпорацияси раиси Т.Зокировнинг ахборотлари тингланди.

Байрамни ҳар қачонгидан ҳам жозибалироқ ўтказиш учун сценарийни замон талабидан келиб чиқадиган янгиликлар ҳамда қадимий урф-одатларимизга хос анъаналар билан такомиллаштириш кераклигига эътибор қаратилди. Тантаналарда ҳақиқий Наврўз руҳи акс этиб туриши учун байрам дастурини янги қўшиқ ва янги овозлар билан бойитиш, миллий йўналишдаги эстрада қўшиқлари, фольклор-этнографик асарларга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Келаси йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан байрам томошаларига кўпроқ ана шу руҳни сингдириш лозимлиги таъкидланди.

Бўлажак байрамни уюшқоқлик ва мазмунли ўтказиш учун халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, қадриятларни тараннум этувчи, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган юксак бадиий дастурлар яратиш бўйича танловлар эълон қилиш ҳамда Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда пойтахтдаги асосий тадбирларда иштирок этадиган бадиий жамоалар дастурларини саралашни қисқа муддатда ҳал этиш лозим, деб топилди.

Шунингдек, мажлисда анъанавий халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотлари савдо-кўргазмасини юқори савияда уюштириш учун ҳунарманд усталар танловини ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

**(ЎзА)**

## "ВАТАНПАРВАР" ТАШКИЛОТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлди. Уни Кенгаш раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарди.

Пленумда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил мамлакатимизда Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотларида спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш дастури муҳокама этилди ва тасдиқланди.

Пленумда мазкур ташкилот олдида бу борада масъулиятли вазифалар турганлиги таъкидланди. Зеро, мамлакат ёшларининг аксарият қисми ана шу жамоат ташкилотида ғоявий, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан камолга етиб, ҳарбий хизматга йўлланма олади. Келажагимиз бўлган ёш авлодни руҳан бой, жисмонан соғлом, мустақил Ватан ҳимоясига доимо шай этиб тарбиялашда спорт алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда республикада спортнинг техник ва амалий турлари билан 150 мингдан зиёд ёш шуғулланмоқда. 136 та спорт-техника клуби, 35 та спорт-ўқув машқ базасига эга бўлган техника мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Пленум қатнашчилари ташкилотнинг барча аъзоларини 2000 йил 9 январ куни бўладиган сайловда Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

**(ЎзА)**

## ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

Перу Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси ва Перу Республикаси ўртасида БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланди.

Ҳужжатни Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили, Фавқулодда ва Мухтор элчи Алишер Воҳидов, Перу томонидан эса Перу Республикасининг БМТдаги доимий вакили, Фавқулодда ва Мухтор элчи Франциско А. Тудела имзоладилар.

**«Жаҳон» АА.**

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий ва хорижий бозорда ўз харидорини топиши мамлакат иқтисоди ва савдо тизими ривожида муҳим аҳамият касб этади. Миллий товарлар қанчалик харидоргир бўлса, ишлаб чиқариш салмоғи шунчалик ошади. Айниқса, аҳолига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда зарур эҳтиёж молларини янада кўпроқ етказиб беришда бу жуда қўл келади.

Ана шу мақсадда "Ўзэкспомарказ" анъанавий кўргазма ташкил этди. Уч кун давом этадиган бу тадбирда мамлакатимизнинг ўнлаб уюшма, концерн, фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазмада қандолат маҳсулотларидан тортиб, қурилиш материалларигача, заргарлик буюмларидан машина эҳтиёт қисмларигача — барчаси жой олган. Шунингдек, кийим-кечак, атир-упа, уй-рўзғор анжомлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар зиёратчилар эътиборига ҳавола қилинган. Кўргазмага келганлар бундай тадбир янги йил арафасида айни муддао бўлганини эътироф этмоқда.

Кўргазма 27 декабрга қадар давом этади.

**(ЎзА)**

Қишлоқ мактабида ўқитувчилик қиламан. Турмуш ўртоғим кутубхонада ишлайди. Шу йил ёзда бирданига икки ўғлимиз олий ўқув юртига ҳужжат топширишди. Ўқишга кириш осон эмаслигини ўзим яхши биламан. Шу боис, фарзандларим қандай қилиб ўқишга кираркин, деган ташвиш хаёлимни тарк этмасди.

## АДОЛАТ УЧУН ТАЪЗИМ

Буни қарангки, болаларнинг иккалови ҳам тест синовларидан юқори балл олиб, ўқишга кириб кетишди. Қувончимиз чексиз, бутун қишлоқ бизни табриклаган. Баъзилар қандай қилиб ўқишга киритдингиз, деб сўрашди ҳам. Мен мустақил мамлакатимизда ёшларнинг билим даражасини аниқлашнинг энг адолатли усули туфайли, тест тизимини Ўзбекистонга изчил жорий этган Президентимизнинг доно сиёсати туфайли шундай кунга келдик, деб жавоб қилдим. Гапнинг очиғи, жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шу усул туфайли катта муваффақиятларга эришиляпти. Юртбошимиз истиқлолнинг илк йилларидаёқ тестни ҳаётимизга олиб кирдилар. Эндиликда тест баркамол авлод етиштиришга муносиб хизмат қиляпти.

Фикримни яна бир қиёс билан исботлайман. Бизга қўшни бўлган аксарият мамлакатларда тест жорий этилмаган. У жойларда ўқишга кириш борасида адолатсизлик ҳоллари кўп учраётганлигини ота-оналарнинг ўзлари тан олишяпти. Демак, бизда тест — адолат тимсолига айланиб бўлди. Мен ана шундай ишларнинг ташаббускори бўлгани учун Президентимизга таъзим қиламан ва келгуси йилнинг 9 январида у киши учун бажонидил овоз бераман.

**Қодир ҚИЛИЧЕВ,
Бухоро вилояти,
Когон туманидаги
«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.**

***Навоий иссиқлик ва электр ишлаб чиқариш станцияси (ГРЭСи) мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири. Бу ерда 10 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхона 50-йилларнинг охирида Қизилқум минтақасига кирувчи Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларидаги саноат мажмуаларини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш мақсадида кўҳна Кармананинг этагида бунёд этилган эди. Мана, 40 йилдан зиёд вақтдан буён у Навоийдан ташқари Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига, ҳатто Афғонистонга ҳам электр токи етказиб бермоқда.***



Якун ва таҳлил

## НАВОИЙЛИК НУРЧИЛАР — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Жорий йилда навоийлик нурчилар Женевада ўтказилган халқаро танловнинг мутлақ ғолиби бўлиб, олтин медал билан тақдирланди. Бу мукофот станцияда арзон ва сифатли электр қуввати ишлаб чиқарилганлиги учун берилди.

Ана шу ютуққа қандай қилиб эришилди? Аввало, Германиянинг «Мёллерс» фирмаси билан ҳамкорликда электр токи олиш учун соатига 100 тонна сувни тиндириб берувчи иншоот бунёд этилди. Кимёвий ускуналарнинг деярли юз фоизи маҳаллий хомашё ёрдамида ишлашга ўтказилди. Булар корхонада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаётир.

Кези келганда, мустақиллигимиз туфайли юзага чиққан бир ҳақиқат ҳақида ғурурланиб айтишимиз керак. Мустабидлик йилларида маҳаллий кадрларга паст назар билан қараш, уларнинг иқтидорию салоҳиятини атайлаб сезмасликка олиш Навоий вилоятида ҳам ҳукмрон эди. Бугунги кунда улар ўзларининг нималарга қодирлигини амалда исботламоқдалар. Масалан, Виктор Петрович Дейнеко Навоий машинасозлик заводини, Ўрин Ҳасанов «Навоийазот»ни бошқараётган бўлса, айни собиқ Иттифоқ парчаланиб, иқтисодий алоқалар бир қадар узилган пайтда Шуҳрат Исмоилов Навоий иссиқлик ва электр ишлаб чиқариш станциясининг бош директори этиб тайинланди. Албатта, корхонанинг иқтисодий бўҳронлардан қоқилмай ўтиб, бир маромда ишлашида соҳа тилсимотларини «сув қилиб ичиб юборган» мутахассислар, қолаверса, барча ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта. Бироқ мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган корхонани «тиззалатиб» қўймаслик учун бош директор барчадан кўпроқ ўйлашга ва ишлашга масъулдир. Шуҳрат Иброҳимович бу шарафли вазифани уддалай билди. Ўтган даврда корхона тармоқдаги илғор меҳнат жамоаларидан бирига айланди. Юртбошимиз Навоийга ташрифлари чоғида мустақиллик йилларида етишиб чиққан маҳаллий кадрлар меҳнати туфайли шуҳрати тушмаётган корхоналар қаторида Навоий ГРЭСи ҳақида ҳам илиқ гапларни айтганлари бежиз эмас.

Нурчилар, айниқса, жорий йилни қувончли натижалар билан якунламоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозиргача 5,4 миллиард киловатт-соат электр қуввати ва 2,5 миллион гекакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди. Қишки мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди.

Биз станцияда бўлганимизда бош директор Фармон Бўронов, Шуҳрат Икромов, Лутфилло Муртазоев, Хайрулло Беккулов, Инна Шаригина, Дилафрўз Муродова, Гулшода Носирова, Қаҳрамон Ғаниев каби нурчиларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтди. Дарҳақиқат, уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли арзон ва сифатли электр токи ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Корхона раҳбарияти жамоа аъзоларининг унумли ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Даволаш профилакторийси ишлаб турибди. Ўтган йили Навоий шаҳрида 40 оилага мўлжалланган уй қурилиб, корхона ишчи-хизматчиларига тарқатилган эди. Айни пайтда шаҳарнинг 17-мавзесида 50 хонадонга мўлжалланган янги-турар жой биноси барпо этилаяпти.

**П. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

## БЕБАҲО МЕРОС

### Кеча Темурийлар тарихи давлат музейида учинчи анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди

Амир Темур ва Темурийлар даврида яратилган илмий, маданий ва маърифий мерос жуда катта ҳамда бебаҳодир. Ҳазрат соҳибқирон ва унинг комил авлоди — Улуғбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Акбар, Жаҳонгир, Аврангзеб ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатию раҳнамолигида мужассам этилган бу маънавий мерос нафақат Мовароуннаҳрда, балки ўша замонларда Темурийлар давлати таркибига кирган мамлакатлар, хусусан, Эрон, Озарбойжон, Ҳиндистон ва Покистонда фан, маданият ва маориф соҳасида янги кўтарилиш — Ренессанс даврини бошлаб берди. Мазкур улкан мерос бугун бутун жаҳонни лол қолдирмоқда.

Маълумки, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси 1997 йили Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳамда маданиятини чуқурроқ ўрганиш, уни кенг халқ оммаси, айниқса, ёшлар ўртасида фаол тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили бир марта илмий-амалий конференция ўтказишга қарор қилган эди.

Кеча Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари» деб номланган учинчи анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ҳамкорликда уюштирган ушбу тадбирда олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва талабалар қатнашдилар.

Анжуманни академик Б. Аҳмедов қисқача кириш сўзи билан очди. Биламизки, Амир Темур ўз фаолиятининг бошиданоқ марказлашган давлат тузишни асосий мақсад деб билган. Шарафуддин Али Яздийнинг хабар беришича, Самарқанд, Қорабоғ, Қаршида ўтказган қурултойларида соҳибқирон шаҳзода, уламо ва алломаларни бирлашиб ишлашга, мустаҳкам ва адолатли давлат қуришда ўзига ёрдам беришга чақирган.

Соҳибқирон фан ва дин аҳлига қарата шундай дейди: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаро турмушини яхшилаш, юртимиз қурилишини кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир». Шунингдек, у саркарда сифатида, энг аввало, ҳарбий мақсадларини тезроқ амалга оширишга ҳаракат қилган. Чунки улкан давлатни бошқариш осон иш эмасди.

Анжуманда ана шулар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. Профессорлар Ҳ. Бобоев, А. Абдуазизов, юридик фанлари номзоди А. Жузжоний, тарих фанлари доктори ва номзодлари С. Ғуломов, А. Олимов, Т. Файзиев, филология фанлари номзоди Д. Юсупова, жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси С. Юсупованинг маърузалари Амир Темур давлатида қонун устуворлиги, хорижий мамлакатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар, давлатчилик ва қўшин тузилиши, лавозим ва мансаблар, аёллар мавқеи ва роли, Амир Темур ва Темурийлар библиографиясини тузишга оид қизиқарли мавзуларга бағишланди.

Анжуман сўнггида «Амир Темур — илм-фан ва маданият ҳомийси» мавзуида 1998 йили ўтказилган иккинчи Халқаро илмий конференция материаллари асосида чоп этилган «Амир Темур сабоқлари» ҳамда Т. Файзиев қаламига мансуб «Темурий маликалар» (қайтадан тўлдирилган нашри) номли китоблар тақдимоти бўлиб ўтди ва қатнашчиларга эсдалик совға сифатида тақдим этилди.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

## ШРИ-ЛАНКАДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Куни кеча Шри-Ланкада президент сайлови бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, Жафна оролида бўлиб ўтган ушбу сиёсий воқеа халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турди. Зеро, Шри-Ланкада мана, чорак асрдан ошдики, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ. Мамлакатни икки лагерга бўлиб қўйган ҳарбий қарама-қаршилик ўтган давр давомида қарийб 55 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Шу боис, Шри-Ланкада бўлиб ўтадиган ҳар бир сиёсий тадбир катта хавотир ва ташвиш билан кузатиб борилади. Кечаги президент сайлови буни яна бир карра тасдиқлади.

40 мингдан ортиқ ҳарбийнинг жанговар ҳолатга келтирилишига қарамай, сайлов барқарор шароитда ўтмади. Сирасини айтганда, Жафна оролининг бир қисмида мустақил давлат тузиш учун курашаётган "Тамил илама" (Озодлик йўлбарслари) ташкилоти президент сайловини ҳар қандай йўл билан бузишга ҳаракат қилиши олдиндан башорат қилинган эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Сайловга икки кун қолганида, мамлакатда вазият ҳаддан ортиқ кескинлашиб кетди. Кўп минг кишилик сайловолди митингларида бир йўла икки террорчи танасига портловчи модда яшириб, ўзини портлатган. Оқибатда ўттиздан зиёд одам қурбон бўлди. 150 дан ортиқ киши жароҳат олди. Портлашларнинг бирида Шри-Ланканинг амалдаги президенти, сайловда асосий номзодлардан ҳисобланган Чандрика Кумаратунга ҳам оғир жароҳат олди. Бироқ у шифокорлар ёрдами билан омон қолди ва касалхонадан чиқиб, соқчилар ҳамроҳлигида ўз қароргоҳига етиб олди.

Умуман, Шри-Ланкада бу галги президент сайловига 11 киши ўз номзодини кўрсатган бўлса-да, асосий кураш амалдаги президент Чандрика Кумаратунга билан мухолифатдаги Бирлашган миллий партия йўлбошчиси Ранил Викремасингхе ўртасида борди.

Дастлабки натижаларга қараганда, Чандрика Кумаратунга 50,43 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган. Ранил Викремасингхега эса сайловчиларнинг 42,25 фоизи овоз берган. Шундай қилиб, Шри-Ланкада президент сайлови ниҳоясига етди. Бу сайлов мамлакатга барқарорлик олиб келадими? Ижобий жавоб бериш мушкул. Чандрика Кумаратунга буни яхши тушунади. Унинг иккинчи муддатга сайланиши «тамил»чилар билан муросага келиш йўлларини топиш учун яна бир имконият экани эса нафақат Чандрика Кумаратунга учун, балки Шри-Ланка халқи учун ҳам муҳим.



*Бугунги Пхеньян.*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Кубанинг "Кубана-де-авиасьон" авиакомпаниясига тегишли самолёт Гватемаланинг "Ла-Аурора" халқаро аэропортида ҳалокатга учради.**

* * *

**Венесуэла мамлакатида янги конституция кучга кирди.**

* * *

**Исроил-Сурия тинчлик музокаралари 2000 йил 3 январда АҚШда бўлиб ўтади.**

* * *

**Буюк Британия қашшоқ мамлакатларнинг саккиз миллиард АҚШ долларига тенг қарзидан кечишга қарор қилди.**

* * *

**Нигерияда яқинда беш йил муддатга мамлакат президенти этиб сайланган Мамаду Танжанинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.**

* * *

**Исроил полициячилари 2000 йил кириши арафасида мамлакатда хавфсизлик чораларини кўрмоқда.**

* * *

**Жаҳон Банки Қозоғистонга 140 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитни 20 йил муддатга беради.**

* * *

**Фрелимо ҳукмрон партияси етакчиси Жоаким Чиссано Мозамбекнинг янги президенти этиб сайланди.**

**Нима? Қачон? Қаерда?**

### ЯНГИ ЙИЛГА ҲОЗИРЛИК

Янги йил тантаналарида Лондонда тартибни сақлаш учун нафақат кучайтирилган полиция қисмлари, балки ҳарбий авиация ва армия бўлинмалари ҳам жалб қилинади. Мамлакат ички ишлар ва мудофаа вазирликлари кутилмаган ҳодисалар ва юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш учун махсус режа ишлаб чиқди. Янги йил оқшомида амалга ошириладиган бу операция вазирликларга 33 миллион фунт стерлингга тушади.

### ПОКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИГА ҚАРШИ

Покистон ҳукумати халқаро террорчи Усама бин Ладин муаммосини ҳал қилишда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди. Мамлакат ички ишлар вазири Муиниддин Ҳайдар ана шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, Исломобод маъмурияти терроризмнинг қўллаб-қувватланишига қаршидир. Усама бин Ладин ишини ҳал қилиш учун АҚШ ва Афғонистон музокаралар ўтказиши ва бир-бирларининг фикрларини тинглаши зарур, агар улар бу масалада бизга мурожаат қилишса, ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёрмиз, деди вазир.

### ҚОЧҚИНЛАРГА ЁРДАМ

Германия ҳукумати Шимолий Кавказдаги қочқинларга инсонпарварлик ёрдамини кўпайтирмоқчи. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, минтақада вазият ёмонлашаётгани ва ҳавонинг совуқлиги муносабати билан инсонпарварлик ёрдами миқдори 4 миллион маркага оширилади.

БМТ маълумотига кўра, ҳозирга қадар Немис ва Халқаро қизил хоч қўмиталари ҳамда беғараз "Кэр" ташкилоти Шимолий Кавказга 2,7 миллион марка миқдорида инсонпарварлик ёрдами етказиб берган.

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**





## ТЎКИНЧИЛИККА ҲИССА

*Қарши туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалиги деҳқонлари 1999 йилги режаларни ортиғи билан уддаладилар. Албатта, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша.*

*— Хўжалигимиз тасарруфидаги 1020 гектар майдонда пахта, 900 гектар ерда ғалла парваришланади, — дейди жамоа етакчиси Очил Гулов. — Бундан ташқари чорвачилик, паррандачилик, пиллачилик, полизу сабзавотчилик сингари соҳалар ҳам яхши ривож топган. Ҳосил кўрсаткичлари ёмон эмас. Айни дамда ўз вақтида экилган ғалламиз баравж. Суғориш ишларини бошлаб юборганмиз. Ғалла ҳамда пахта етиштиришда алмашлаб экишга қатъий амал қилаяпмиз. Мавжуд пахта майдонлари келгуси мавсум учун тахт қилиб қўйилди.*

*Хўжалик жамоаси ташландиқ ерларни ўзлаштириш борасида ҳам намунали ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда 3 та «Кейс», 4 та «Олтой» ва битта «К—700» тракторлари кучидан унумли фойдаланилаётир.*

**СУРАТЛАРДА: ижарачи Дилмурод Омонов ва бўлим сардори Нарзилло Холбоев; далалар янги ҳосилга тайёрланмоқда.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

«ТУРОН»
АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ

Муҳтарам юртдошлар!

Барчангизни кириб келаётган Янги 2000 йил билан самимий муборакбод этамиз!

Она юртимиз гуллаб яшнайверсин, ҳур диёримиз пойдевори янада мустаҳкамланаверсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака, осойишталик ва бахту иқбол тилаб қоламиз.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

2391

Манзил: 700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 44.
Тел.: 144-23-97, 144-25-65, факс (3712) 144-33-94, телекс 11-66-04.

"ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ

"МУБОРАКНЕФТГАЗ"
ГАЗ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимиз аҳлини

Янги 2000 йил билан

муборакбод этишдан бахтиёрдир.

Ўтган саккиз йил ичида бошимиздан кечирган синовлар, тараққиёт йўллари, шубҳасиз, янги — 2000 йил учун мустаҳкам замин бўлади. Зеро, Озодлик ва Эрк бизга Ватан юрак каби ягона эканлигини, унинг саодати учун чинакамига меҳнат қилишни ўргатди. Ҳеч шубҳа йўқки, биз учун энг қийин давр ортда қолди. Кириб келаётган янги йил эса жасоратли халқимиз, муқаддас Ватанимиз учун нурли, саодатли ва чароғон йил бўлажак, иншооллоҳ.

Азиз ватандошлар!

Бугун биз янги аср арафасида, минг йилликлар туташган тарихий дамларда турибмиз. Ана шундай қутлуғ кунларда нуроний оталаримиз, мунис оналаримиз юртимизда тинчлик ва омонлик мангу бўлишини Яратгандан сўрайдилар. Шунда бизнинг ҳам кўнглимиздан, юрагимиздан беихтиёр эзгу тилаклар кечади: бепоён юртимиз узра Озодлик ва Эрк қуёши мангу нур сочаверсин. Ўзбекистон дея аталмиш табаррук диёримизнинг обрўсига-обрў қўшилсин, элимизнинг, миллатимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин. Илоё, унинг нурли манзил сари дадил бораётган зафарли карвонига кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Азиз халқимизни, гўзал Ватанимизни ғараз кўзлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўрмоқ бахти барчамизга насиб қилсин.

Бошланаётган янги — Совлом авлод йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

2404

